

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАР ГЕНЕТИК РЕСУРСЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ТУРАКУЛОВ УМИД ХАЙИТОВИЧ

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМИГА МОС ГИЛОС
НАВЛАРИ, ПАЙВАНДТАГЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА КЎЧАТИНИ
ЕТИШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2024

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on agricultural sciences**

Туракулов Умид Хайитович

Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлимига мос гилос навлари, пайвандтаглари
танлаш ва кўчатини етиштиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш.....5

Туракулов Умид Хайитович

Подбор сортов, подвоев применительно к почвенно-климатическим условиям
Сурхандарьинской области и разработка эффективных способов
выращивания саженцев черешни21

Turakulov Umid Khayitovich

Selection of varieties, rootstocks in relation to the soil and climatic conditions of
the Surkhandarya region and development of effective methods for growing cherry
seedlings39

Эълон қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАР ГЕНЕТИК РЕСУРСЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ТУРАКУЛОВ УМИД ХАЙИТОВИЧ

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМИГА МОС ГИЛОС
НАВЛАРИ, ПАЙВАНДТАГЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА КЎЧАТИНИ
ЕТИШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси нахтасен Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий иттиҳотнинг қонунчиликда Б2024.1.PhD/Qx1321 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.ilm.uz) ва «ZiyoNet» Аxbорот тилим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

| | |
|---------------------|--|
| Илмий раҳбар: | Абдиқодиқов Забир Абдуқодиқович қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, доцент |
| Расмий оппонентлар: | Халмурдиев Далмурод Камилевич қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент Халмурдиева Лола Бахрамовна қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори |
| Етукчи таъинлов: | Академик Махмуд Мирзиев ишондаги боғдорчилик, улуғчилик ва кичиккилик илмий-тадқиқот институти |

Диссертация қимовен Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DS.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақами Илмий кенгашнинг 2024 йил 18 ноябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтган (Манзи: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: taar-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Махмурий биноси, 1-қavat, аниқлашлар зати).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университети Аxbорот-ресурс маркази таъиниш маълумоти (551940-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзи: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети Аxbорот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2024 йил 6 ноябрь куни тарқатилди.
(2024 йил 7 октябрдаги 33-рақамли реестр баённомаси).



[Signature] Ш.И.Ахатов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

[Signature] М.З.Халмурдиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д.,
доцент

[Signature] С.А.Юсуфов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қозимдаги илмий семинар
раиси, к.х.ф.д., профессор

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Гилос дунёнинг кўпгина мамлакатларида қимматли мевали ўсимлик сифатида кадрланади, унинг мевалари таркибида тез хазм бўлувчи қандлар ва биологик фаол моддалар мавжуд, у гилоснинг қимматли пархезбеп маҳсулотлигини таъминлайди: унинг таркибида 8,08-19,32% умумий қанд, 0,58-2,22 % пектин, 0,39-0,76 % клетчатка, 0,72-32,22 мг /% С витамини, 0,34-1,70 % кислоталилик бўлиб, микроэлементлардан 1,2-1,8 мг % Fe, 0,15-0,20 мг % Mg, 80-120 мкг/ % Cu, 2,6-3,70 мкг/% Co, 0,13-0,55 % K ҳам қайд этилган. Унинг бугунги кундаги ялпи етиштирилиш ҳажми қарийб 3 млн. тоннадан ортиқ бўлиб, унинг асосий улуши Туркия (627,13 минг тонна – 25,7%), АҚШ (398,14 минг тонна, 16,3%), Ўзбекистон (200 минг тонна), Испания (160,15 минг тонна, 7,7%), Эрон (140,08 минг тонна, 5,7%), Чили (126,64 минг тонна, 5,2%) каби давлатларга тўғри келмоқда ¹. Гилос мевалари юқори харидорғирлиги боис, уни экспортбоп навларини етиштириш орқали катта иқтисодий самарадорликка эришилади.

Гилос етиштиришда етакчилик қилаётган Туркия, АҚШ, Испания, Эрон, Чили ва бошқа давлатларда гилоснинг жаҳон гилос бозорида илк маҳсулот чиқариш имконини берувчи янада эртапишар, юқори ҳосилдор, ташиш ва сотиш жараёнларида ўзининг янгилик сифатини сақлаб тура оладиган янги навларини чиқариш, кўчати ва саноат асосида маҳсулот етиштиришнинг муҳим технологик элементларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Туркияда унинг 50 дан ортиқ навлари олинган бўлиб, улар орасида дунёга машҳур «0900 Ziraat» нави ҳатто «Турк гилоси» номини ҳам олган. АҚШда гилосни интенсив асосда етиштириш имконини берувчи «Махма Delbard® 14 Brokforest» пайвандтаги, бундай дарахтларга шакл беришнинг Австралияда «KGB – Ким Грин Буш», Испанияда «SB – Испан Бутаси» усули ишлаб чиқилган. Бугунги кунда гилосни жуда эрта чиқариш имконини берувчи шароитларга эга худудларда интенсив гилос боғларини барпо қилиш технологиясининг муҳим элементларини ишлаб чиқиш муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда экспортга йўналтирилган мевачиликни жадал ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш...»² устувор вазибалардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган. Бу борада Сурхондарё вилояти кенг имкониятларга эга бўлиб, ушбу худудда интенсив

¹ <https://epauzb.uz/post/analiticheskiy-obzor-mirovoy-torgovli-na-rynke-chereshni?lang=ru>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.

гилос боғлари барпо қилишга мос нав-пайвандтаг комбинацияларини танлаш, кўчат ва маҳсулот етиштиришнинг самарали технологик элементларини ишлаб чиқиш йўналишларида алоҳида илмий изланишлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги, 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549 сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 245- сон «2022–2026 йилларда Сурхондарё вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот ишлари республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гилос энг эртапишар данакли мева бўлганлиги сабабли, сўнги йилларда ушбу мевага бўлган талаб дунё бўйича йилдан-йилга ортиб бормокда. Унинг интенсив боғ барпо қилиш имконини берувчи пайвандтаглари ҳамда янги, юқори ҳосилдор навларини чиқариш, кўчатини ва маҳсулот етиштириш технологиясининг юқори самарали элементларини ишлаб чиқиш бўйича хорижий мамлакатларда М.Валмер, А.Чаованалики, Mevlüt Gül, М.Марин Bruzos, А.Г.Шеард, МДХ давлатларида Ю.А.Доля, Р.Ш.Заремук, О.В.Еремина, В.Н.Иванов, Л.Г.Орлова, Н.А.Ахромеева, С.Н.Щеглов, А.П.Кузнецова ва бошқа кўплаб олимлар, мамлакатимиз тупроқ-иқлими шароитларида эса Х.В.Шарафутдинов, З.А.Абдикаюмов, С.Абдураманова каби тадқиқотчилар томонидан илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Муаллифлар томонидан гилос етиштириш агротехнологиялари йўналишларида илмий ишлар олиб борилган, кўчатини етиштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва етиштириш агротехникасининг муҳим элементларини такомиллаштириш амалга оширилган. Тажрибаларда ушбу данакли мева ўсимлигининг янги навларини олиш учун селекция ишлари, истиқболли пайвандтагларни яшил ва ёғочлашган қаламчаларидан кўпайтириш, саноат асосида етиштиришда дарахтларнинг шох-шаббасига шакл бериш тамойиллари яратилган. Хусусан, гилос пайвандтаглари яшил қаламчаларидан кўпайтиришнинг самарали муддатлари ва илдиз олишни кучайтирувчи самарали моддалар ва уларнинг қулай концентрациялари, куртак пайванд қилиш муддатлари, гилосни очик ва ҳимояланган ерларда

саноат асосида етиштириш технологияси, дарахтлар шох-шаббасига шакл бериш усуллари ва бошқалар бўйича муҳим тавсиялар берилган.

Таъкидлаш жоизки, республикамизнинг жанубий ҳудудлари тупроқ-иқлими шароитида интенсив гилос боғлари барпо қилиш учун нав ва пайвандтаглари танлаш, ушбу ҳудудда гилос кўчатларини муваффақиятли кўпайтириш ва маҳсулот етиштириш бўйича илмий-тадқиқотлар ҳажмини етарли деб бўлмайди. Шу муносабат билан ушбу диссертация тадқиқотига кўра, Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида гилос навлари ва пайвандтаг ўсимликларини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятларини ва кўпайтириш усуллари тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ундаги қўйилган асосий вазифалар республикамизнинг жанубий ҳудуди шароитида интенсив гилос боғлари барпо қилишда юзага келадиган қатор муаммоли масалалар ечимини беради.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот режасининг №1-20 «Мевали экинлар навлари, пайвандтаглари танлаш ва кўчатини етиштиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2020-2025 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлимга мос гилос навлари ва пайвандтаглари танлаш ва кўчатини етиштиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида гилос пайвандтаглари ва наводор ўсимликларини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

ўрганилган гилос навлари ва пайвандтаглари қурғоқчилик ва иссиқликка чидамлилигини аниқлаш;

ўрганилган гилос навларининг ҳосилдорлиги ва мевасининг товарбоплик кўрсаткичларини баҳолаш;

гилосни қуртак пайванд ва яхшиланган қаламча пайванд қилиш муддатининг тутувчанлик ва кўчат чиқиш миқдори таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида гилос ўсимлигининг Colt, Махма Delbard® 14 Brokforest, Gisella-5, ВСЛ-2, оддий нордон олча ва камхастак олча каби пайвандтаглари ҳамда Sammit, Bigarren Hatif Burlat, Merchand, Lapins, Belge ва Баҳор (назорат) навлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб гилос навлари нав-пайвандтаг ўсимликларининг морфологик ва биологик хусусиятлари, қурғоқчилик ва иссиқликка чидамлилиги, уларнинг қаламчалари, пайванд бирикмаларининг тутувчанлиги хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида гилос пайвандтаглари ва наводор ўсимликларини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича дала ва лаборатория тадқиқотлари Х.Ч.Буриев ва бошқаларнинг «Мевали ва

резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» (2014), В.Ф.Моисейченконинг «Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами» (1967), В.П.Моисеев ва Н.П.Решецкийнинг «Физиология и биохимия растений» (2009), П.С.Прудников, З.Е.Ожерельеванинг «Физиолого-биохимические методы диагностики устойчивости плодовых культур к засухе и гипертермии» (1967) номли услубий адабиётларида келтирилган тавсия ва услублар бўйича ўтказилган, натижаларнинг математик-статистик таҳлили Б.А.Доспехов (1985) тавсия қилган услуб бўйича 0,95% ишончлилиқ билан «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида ҳисоб қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистоннинг жанубий минтақаси – Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитига мос гилоснинг Colt, ВСЛ 2 ва Maxma Delbard® 14 Brokforest пайвандтаглари ва навдор ўсимликлардан Sammit, Bigarren Hatif Burlat, Merchand, Lapins ва Belge навлари танланган;

курфоқчилик (сув танқислиги 21,0-24,3%) ва иссиқликка чидамлилиқ (йўқотилган сувни тиклаш қобилияти 60,1 % дан юқори) кўрсаткичлари асосида Colt, ВСЛ 2 ва Maxma Delbard® 14 Brokforest пайвандтаглари ва уларга пайванд қилинган истиқболли навларнинг ушбу ҳудуд тупроқ-иқлими шароитига мослиги исботланган;

Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида ўрганилган гилос навларидан Sammit (12,5 т/га), Lapins (10,9 т/га) ва Bigarren Hatif Burlat (10,4 т/га) навлари юқори ҳосил бериши, уларнинг калибри 26-32, бир меванинг ўртача оғирлиги 8,7-11,1 г га етиши аниқланган;

ўрганилган гилос навларини февраль ойининг иккинчи ўн кунлигида қишки яхшиланган қаламча пайванд қилиш юқори тутувчанликни (89%) ва энг кўп кўчат чиқишини (4535 дона/га) таъминлаши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида ўрганилган барча гилос навлари – Sammit, Bigarren Hatif Burlat, Merchand, Lapins ва Belge навларининг яхши мослаша олиши, юқори ва сифатли ҳосил бериши аниқланган;

вилоят шароити учун курфоқчилик ва иссиқликка чидамли, вегетатив усулда осон кўпая оладиган Colt, ВСЛ 2 ва Maxma Delbard® 14 Brokforest пайвандтагларидан фойдаланиш мумкинлиги исботланган;

Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида гилосни куртак пайванд қилиш усулида етиштиришда кўчатларнинг энг кўп чиқиши куртак пайвандни август ойининг учинчи ўн кунлигида (21-31/VIII) ўтказишда кузатилиши аниқланган, бўлиб бунда I нав кўчатлар чиқиши 54276 ва II нав кўчатлар чиқиши 8775 дона, жами 63051 га етиши, бу эса умумқабул қилинган 21-31/VII муддатда (назорат) пайванд қилинганга нисбатан 10955 дона кўпроқ кўчат олиш имкониятини берган;

гилос кўчатларини клон пайвандтагларда қишки қаламча пайванд

усулида кўпайтириш учун энг яхши муддат сифатида февраль ойининг иккинчи ўн кунлиги танланган бўлиб, бунда энг кўп стандарт кўчатлар, яъни 39153 дона I нав ва 6382 дона II нав, жами 45535 дона/га кўчат олиними таъминланган;

Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида гилоснинг *Larins* нави кўчатларини *Colt* клон пайвандтагида қишки қаламча пайванд усулида етиштириш жами олинган 45535 дона кўчат учун 216758100 сўм моддий маблағ сарфлаган ҳолда, 225827900 сўм соф фойда ва 104,2% рентабелликка эришиш имконини бериши иқтисодий таҳлиллар асосида исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий-тадқиқот натижаларининг апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий ҳисоботларнинг Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти илмий кенгашида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақризлар олинганлиги, тажриба маълумотларининг математик-статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда баён этилганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гилосни интродукция қилинган пайвандтагларининг қурғоқчилик ва иссиқликка чидамлилиги унинг биологик хусусиятига боғлиқ бўлиши, кўчатларини куртак пайванд қилишда камбий ҳужайралари фаоллиги динамикаси ҳисобга олиними, қишки қаламча пайванд қилиш усулида кўпайтиришда уларнинг тутувчанлиги пайвандтаг ўсимликнинг тиним давридан чиқа бошлаш даврига боғлиқлигининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитига мос гилос пайвандтаглари ва навдор ўсимликларининг танланганлиги ва бунинг натижасида республикада гилос ҳосилини ультра-эртаги муддатда (апрел ойининг иккинчи ярми) етиштириш мумкинлигининг исботланганлиги, вилоят шароитида гилос кўчати етиштиришда қишки яхшилانган қаламча пайванд усулининг самарали эканлигининг исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида гилос пайвандтаглари ва навдор ўсимликларини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятларини тадқиқ қилиш ва кўчат етиштиришнинг самарали технологик элементларини ишлаб чиқиш бўйича бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

боғдорчилик ва кўчатчиликка ихтисослашган фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари учун «Сурхондарё вилояти шароитида гилос кўчатларини қишки қаламча пайванд усулида етиштириш бўйича» номли тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 17 январдаги 06/27-05/235-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларида сифатли гилос кўчатларини етиштиришда амалий қўлланма

сифатида хизмат қилмоқда;

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани иқлими шароитида гилос кўчатларининг юқори тутувчанлигини таъминловчи муддатда куртак пайванд қилиш ишланмаси Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани «Buriev Khodja Badalovich» фермер хўжалигида 2 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 17 январдаги 06/27-05/235-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида хориждан интродукция қилинган Colt пайвандтагига Sammit навини август ойининг сўнги ўн кунлигида куртак пайванд қилиш ҳисобидан умумқабул қилинган муддатда куртак пайванд қилишга нисбатан 7,8% (9765 дона) кўшимча кўчат олинган. Жумладан 1 гектар ҳисобидан олинган ўртача соф фойда 175500,0 минг сўм, иқтисодий самарадорлик 101 % ни ташкил этган.

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани иқлими шароитида гилос кўчатларининг юқори тутувчанлигини таъминловчи қишки муддатда яхшиланган қаламча пайванд қилиш усулида кўпайтириш ишланмаси Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани «Fayozbek Surhon ko'chatzori» МЧЖ да 2 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 17 январдаги 06/27-05/235-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида хориждан интродукция қилинган Colt пайвандтагига Lapins навини илмий асосланган муддат – февраль ойининг иккинчи ўн кунлигида қишки қаламча пайванд қилиш ҳисобидан 85,4% (48800 дона кўчат) тутувчанликка эришилган. Жумладан 1 гектар ҳисобидан олинган ўртача соф фойда 169000,0 минг сўм, иқтисодий самарадорлик 97 % ни ташкил этган.

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани иқлими шароитида хориждан интродукция қилинган истиқболли гилоснинг Sammit, Lapins ва Bigarren Natif Burlat навларидан интенсив боғ барпо қилиш ишланмаси Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани «Javlonbek» агрофирмасида 3 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 17 январдаги 06/27-05/235-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида вилоят шароитида хориждан интродукция қилинган гилос навларининг интенсив боғини барпо қилишга эришилган ва майдон бирлигидан 200 центнердан ортиқ энг эртаги гилос ҳосили олиш режалаштирилган. Жорий қилинган иш натижалари асосида кутилаётган рентабеллик 150 % (2030 йилларга бориб боғ тўлиқ ҳосилга кирганда) дан ортиши илмий фараз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтида ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шу жумладан, 1 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда,

шунингдек 1 та тавсиянома нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги каби низом талабларида келтирилган барча бандлар қисқача ёритилган, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Гилос (*Cerasus avium*) навларини танлаш ва кўчатини етиштиришнинг замонавий технологиялари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида хорижий илмий-тадқиқот муассасаларининг тадқиқотчилари ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий-тадқиқотлари асосида олган натижалар ҳамда тадқиқот мавзусига доир адабий манбалар шарҳланган. Бинобарин, гилос (*Cerasus avium*) ўсимлиги ва пайвандтаглариининг ботаник таърифи, морфо-биологик хусусиятлари ва халқ хўжалигидаги аҳамияти, гилос ўсимлигининг пайвандтаглари ва кўчатини етиштиришнинг замонавий технологиялари, нав танлаш ва ҳар хил тупроқ-иқлим шароитларида гилос боғлари барпо қилишнинг ўзига хос хусусиятлари йўналишларида олиб борилган илмий-тадқиқотлар юзасидан маълумотлар тавсифланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот дастури ва шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича тузилган дастур тавсифланган. Унда дала тажрибалари олиб борилган жойнинг табиий тупроқ-иқлим шароити ва тадқиқот олиб бориш услуби юзасидан маълумотлар келтирилган. Хусусан, ушбу бобнинг «Тажриба ўтказилган жойнинг тупроқ ва иқлим шароитлари тавсифи» бўлимида асосий дала тажрибалари олиб борилган ҳудуднинг табиий-иқлим шароитлари ва тупроғи бўйича маълумотлар ёритилган.

Ушбу бобнинг «Тадқиқотни ўтказиш методикаси» бўлимида ҳар бир алоҳида тажрибани ўтказиш тартиби ва услуби баён этилган.

Ушбу бобнинг «Тадқиқотда қўлланилган гилос навлари ва пайвандтаглари тавсифи» бўлимида интродукция қилинган гилос навлари ва клон пайвандтаглариининг тавсифи келтирилган.

Диссертациянинг «**Жанубий минтақа тупроқ-иқлим шароитларига мос гилос навлари ва пайвандтаглариини танлаш**» деб номланган учинчи


бобидан бошлаб тадқиқот натижалари берилган. Ушбу бобнинг «Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида гилосни интродукция қилинган наводор ўсимликларининг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари» деб номланган бўлимида вилоят тупроқ-иқлим шароитида хориждан интродукция қилинган гилос навларини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятларини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Кузатувлар шуни кўрсатдики, Сурхондарё вилояти шароитида гилос навларининг бўртиши учун талаб этиладиган +100 °С дан юқори фаол ҳарорат йиғиндиси феврал ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб тўпланади. Гуллай бошлаш учун гилос навлари 103-157 °С ҳарорат йиғиндисини талаб этди. Бундай ҳарорат март ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб тўпланади. Пишиш учун эса ҳар хил навларда 558-742 °С ҳарорат йиғиндиси талаб этилди. Бундай ҳарорат апрел ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунлигида тўпланади.

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани шароитида гилос меваларининг пишиши учун талаб этиладиган фаол ҳарорат йиғиндисининг тўпланиш муддатига кўра навлар қуйидигича шартли гуруҳларга ажратилди: эртапишар – Bigarren Natif Burlat, Belge, Sammit; ўртапишар навлар – Lapins, Merchand; кечпишар – Баҳор (назорат).

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани шароитида интродукция қилинган гилос навлари беш ёшдан ошган дарахтларининг бир йиллик новдаларида шаклланган куртақларни умумий сони (вегетатив, генератив ва аралаш) навлар бўйича ўзаро фарқланди. Таъкидлаш жоизки, жорий йилги ҳосил ҳажмини бир йиллик новдаларда шаклланган аралаш ва генератив куртақларнинг сони белгилайди. Қуйидаги 1-расм маълумотлар шуни кўрсатадики, ҳосил ҳажмини бевосита белгиловчи аралаш ва генератив куртақларнинг сони ҳам гилос навларининг биологик хусусиятлари ва уларнинг Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлим шароитига қанчалик мослашганлигига боғлиқ бўлди. Бунда аралаш ва генератив куртақларнинг энг кўп сони билан Sammit нави алоҳида ажралиб турди. Гарчи аралаш куртақларнинг сони ўрганилган барча навларда назорат – Баҳор навидан камроқ шаклланган бўлсада, уларнинг барчасида генератив куртақлар сони назоратдан устун бўлди. Унинг энг кўп сони Sammit навида қайд этилди. Ушбу навнинг бир йиллик новдаларида шаклланган генератив куртақларнинг ўртача сони қарийб 47 донадан ортиб кетди.

Бир йиллик новдада шаклланган генератив куртақларнинг ўртача сони Belge ва Merchand навларида кузатилди. Ушбу навларда бир йиллик новдада шаклланган генератив куртақларнинг ўртача сони мос ҳолда 30 ва 32 дона атрофида бўлди. Қолган навларнинг бир йиллик новдада шаклланган генератив куртақларнинг ўртача сони юқорида таҳлил қилинган навлар ўртасида оралиқ қийматга эга бўлди ва навлар бўйича мос ҳолда 38-41 дона атрофида ўзгарди.



1-расм. Тадқиқот йилларида гилос навларининг бир йиллик новдаларида куртакларнинг шаклланиши, 2018-2022 йиллар (боғ 2013 йилда барпо қилинган)

Диссертациянинг «Ўрганилган гилос навларининг ҳосилдорлиги ва мевасининг товарбоплик кўрсаткичлари» деб номланган бўлимида интродукция қилинган гилос навларининг ҳосилдорлиги ва мевасининг товарбоплик кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинган. Ҳисоб ва таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, интродукция қилинган гилос навлари орасида назорат – Баҳор навига нисбатан бир дарахтдан олинган ўртача ҳосил ҳам, майдон бирлигидаги ҳосилдорлик ҳам Sammit навида энг юқори бўлди. Ушбу навда бир дарахтдан олинган ўртача ҳосил тадқиқот йилларида 11,4 дан 15,0 кг гача ортиб борди, бу эса назоратга нисбатан 1,4-7,0 кг га юқори демакдир.

Ўрганилган навларнинг майдон бирлигидаги ўртача ҳосилдорлиги ҳам бир дарахтнинг ўртача ҳосилдорлигига мос равишда навлар бўйича фарқланди. Бинобарин, назорат – Баҳор навига нисбатан майдон бирлигидан олинган энг юқори ўртача ҳосилдорлик Sammit навида қайд этилди. Ушбу навда бир гектар боғ майдонида тўғри келувчи ўртача ҳосилдорлик тадқиқот йилларида 10,1 дан 12,5 тоннагача ортиб борди, бу эса назоратга нисбатан 4,3-6,0 тоннага юқори демакдир. Бир гектар боғ майдонидан олинган энг кам ўртача ҳосилдорлик Merchand навида қайд этилди. Ушбу навда 1 гектар боғ майдонида тўғри келувчи ўртача ҳосилдорлик тадқиқот йилларида 6,3 дан 6,9 тоннагача ортиб борди. Бу эса энг кичик қийматда бўлсада, назоратга нисбатан 0,4-0,5 тоннага юқори демакдир. Қолган навларда тадқиқот йиллари бўйича бир гектар боғ майдонидан олинган энг кам ўртача ҳосилдорлик юқорида тавсифлаб ўтилган навларнинг ўртача ҳосилдорлиги ўртасида оралиқ ифодага эга бўлди ва навлар бўйича мос ҳолда 7,1-8,9 дан 9,2-10,9 тоннагача ортиб борди (1-жадвал).

Юқоридаги жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, бир меванинг ўртача оғирлиги Sammit навида энг юқори кўрсаткичда, яъни ўртача калибри (Ø) 30-32 ва оғирлиги 11,1 г атрофида бўлди. Бу эса назорат – Баҳор нави

**Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани тупроқ-иқлими шароитига
интродукция қилинган гилос навларининг маҳсулдорлиги ва
мевасининг товар кўрсаткичлари (боғ 2013 йилда барпо қилинган)**

| Навлар | Бир дарахтнинг ўртача ҳосили, кг | | | Ҳосилдорлик, т/га | | | Ø, мм | Бир мевани ўртача оғирлиги, г |
|-------------------|----------------------------------|------|------|-------------------|------|------|-------|-------------------------------|
| | 2021 | 2022 | 2023 | 2021 | 2022 | 2023 | | |
| Баҳор – наз. | 7,5 | 7,8 | 8,0 | 5,8 | 6,1 | 6,5 | 22-24 | 8,2 |
| Sammit | 11,4 | 13,0 | 15,0 | 10,1 | 10,8 | 12,5 | 30-32 | 11,1 |
| Bigarren Burlat | 8,9 | 10,5 | 12,5 | 8,2 | 8,7 | 10,4 | 24-26 | 8,7 |
| Merchand | 7,9 | 8,0 | 8,3 | 6,3 | 6,7 | 6,9 | 28-30 | 9,6 |
| Lapins | 9,7 | 11,3 | 13,0 | 8,9 | 9,4 | 10,9 | 28-30 | 9,8 |
| Belge | 8,5 | 9,2 | 11,0 | 7,1 | 7,7 | 9,2 | 26-28 | 9,2 |
| ЭКФ ₀₅ | 0,4 | 0,3 | 0,5 | 0,3 | 0,3 | 0,4 | | 0,2 |
| Sx, % | 0,8 | 0,6 | 0,8 | 0,5 | 0,6 | 0,8 | | 2,2 |

меваларига нисбатан 2,9 г га оғирроқ демакдир. Қолган навларнинг калибри 24-26 дан 28-30 гача, бир мевасининг ўртача оғирлиги эса 8,7 дан 9,8 г гача фарқланди.

Диссертациянинг «Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида гилос пайвандтаглари ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятлари» деб номланган бўлимида вилоят тупроқ-иқлим шароитида хориждан интродукция қилинган гилоснинг клон ҳамда маҳаллий пайвандтаг ўсимликларини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятларини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Кузатувлар шуни кўрсатдики, Сурхондарё вилояти шароитида гилос пайвандтаглари вегетация даври февраль ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошланиб, ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигигача давом этади, вегетация даври 274-282 кунни ташкил этади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, интенсив боғдорчиликда пайвандтаг ўсимликларининг вегетация даври давомийлиги эмас, балки уларнинг ўсиш кучи энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Негаки, интенсив боғдорчиликда пайвандтаглари ўсиш кучи муҳим аҳамиятга эга, шу сабабли олиб борган тажрибаларимизда асосий новданинг ўсиш кучи ҳам ўрганилди. Бунда вегетация даври якунида барча пайвандтагларда асосий новданинг баландлиги ҳисоб қилинди.

Биометрик ўлчовлар шуни кўрсатдики, пайвандтаг ўсимликларида асосий новданинг энг кучли ўсиши билан назорат – оддий нордон олча пайвандтаги алоҳида ажралиб турди. Ушбу пайвандтагда асосий новданинг узунлиги вегетация даврининг охирига келиб 149,3 см га етди. Назоратга нисбатан энг суст ўсиш ВСЛ-2 (Крымский-5) пайвандтагида қайд этилди. Вегетация якунида ушбу пайвандтаг асосий новдасининг узунлиги 121,9 см дан ошмади. Бу эса назорат вариантыга нисбатан эса 27,4 см га кичикроқ демакдир. Қолган пайвандтаглар асосий новдасининг узунлиги назорат ва ушбу пайвандтаг ўртасида оралиқ ифодага эга бўлди ва мос равишда 129,3-137,1 см оралиғида фарқланди.

Диссертациянинг «Ўрганилган гилос нав ва пайвандтагларининг қурғоқчилик ва иссиқликка чидамлилиги» деб номланган бўлимида гилоснинг интродукция қилинган навлари ҳамда клон пайвандтагларининг қурғоқчилик ва иссиқликка чидамлилиги каби хўжалик-қимматли кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижалари келтирилган. Кузатувлар шуни кўрсатдики, ўрганилган пайвандтагларда ўстирилган Sammit нави баргларининг сув танқислиги (21,75-24,28%) ва нисбий тургорлик (78,25-75,72%) кўрсаткичи қийматлари нордон олча (назорат), Colt, ВСЛ 2 ва Махма Delbard® 14 Brokforest пайвандтагларига пайванд қилинган Sammit нави дарахтлари қурғоқчиликка ўртача чидамлилигини кўрсатди. Негаки ушбу пайвандтаглар ва унга пайванд қилинган Sammit нави дарахтларининг сув танқислиги 25% дан ошмади.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани тупроқ-иқлими шароитида Gisella-5 пайвандтаги ва унга пайванд қилинган гилос навлари қурғоқчиликка чидамсиз деб баҳоланди. Ушбу пайвандтагга пайванд қилинган Sammit нави дарахтларининг сув танқислиги қарийб 28% дан ошиб кетди.

Ўрганилган гилос пайвандтагларининг барчаси Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида иссиқликка ўртача чидамли ҳисобланади. Негаки, уларнинг барчасида сунъий иссиқлик «шоки» таъсиридан сўнг йўқотилган сувни тиклаш қобилияти олимлар томонидан тавсифланган чегара, яъни 60,1 % дан юқори бўлди. Мустасно Gisella-5 пайвандтаги бўлиб, ушбу пайвандтаг қўлланилган дарахтларнинг баргларида тикланган сув миқдори 54,3 % дан ошмади. Бу эса Gisella-5 пайвандтагининг Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида иссиқликка чидамсиз эканлигини яққол кўрсатди (2-жадвал).


2-жадвал

Гилос пайвандтаглари ва уларда ўстирилган Sammit нави баргларининг сунъий иссиқлик «шоки» таъсиридан сўнг йўқотилган сувни тиклаш қобилияти, 2020-2022 йиллар

| № | Тажриба варианты | Баргларни оғирлиги | | Сув миқдори | | |
|---|----------------------|--------------------|-----------------------------|-------------------|---------------------------------|-------------------|
| | | дастлабки; (M1), г | тўйингандан кейинги (M3), г | дастлабки (V0), г | тўйинишга сарфланган (M3-M1), г | тикланган (ВН), % |
| <i>Пайвандтаг ўсимликлар</i> | | | | | | |
| 1 | Нордон олча – наз. | 10,48 | 17,21 | 9,64 | 6,73 | 69,8 |
| 2 | Colt | 10,51 | 16,66 | 9,79 | 6,15 | 62,8 |
| 3 | ВСЛ 2 | 10,50 | 16,48 | 9,77 | 5,98 | 61,2 |
| 4 | Махма Delbard® 14 | 10,48 | 16,73 | 9,64 | 6,25 | 64,8 |
| <i>Ҳар хил пайвандтагларда ўстирилган Sammit нави</i> | | | | | | |
| 1 | Нордон олчада – наз. | 15,10 | 24,37 | 13,74 | 9,27 | 67,5 |
| 2 | Colt да | 15,42 | 24,21 | 14,34 | 8,79 | 61,3 |
| 3 | ВСЛ 2 да | 15,16 | 23,68 | 14,10 | 8,52 | 60,4 |
| 4 | Махма Delbard® да | 15,20 | 23,97 | 13,98 | 8,77 | 62,7 |
| 5 | Gisella-5 да | 15,94 | 24,16 | 15,14 | 8,22 | 54,3 |

Диссертациянинг «Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида гилос кўчатларини етиштириш технологиясининг самарали элементларини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида кучсиз ўсувчи клон пайвандтагларда гилоснинг интродукция қилинган навлари кўчатларини етиштириш технологиясининг самарали элементларини ишлаб чиқиш юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижалари келтирилган. Хусусан, ушбу бобнинг «Гилос пайвандтагларига қуртак пайванд қилиш муддатининг компонентларни тутувчанлиги ва кўчат чиқиш миқдорига таъсири» деб номланган бўлимида Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида гилос кўчатларини қуртак пайванд қилиш усулида етиштиришнинг мақбул муддатини аниқлаш юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижалари келтирилган. Лаборатория таҳлиллари шуни кўрсатдики, Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитига интродукция қилинган гилос пайвандтаглари ва истиқболли навларидаги камбий ҳужайраларининг фаол даври август ойининг учинчи ўн кунлигига (20-30.VIII) тўғри келади, бу даврда камбий тўқималарининг фаоллиги 9-10 баллгача етди. Бунга кўра, гилоснинг Larins навини пайванд қилишнинг мўътадил муддати август ойининг учинчи ўн кунлигида юзага келади. Ушбу муддатда қуртак пайванд қилинганда баҳорги текширувда жами тутган қуртаклар сони 86,8-87,2% гача етади.

Ҳар хил муддатларда қуртак пайванд қилинган тажриба вариантларини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, энг кўп тутган қуртаклар сони – 65001 дона/га қуртак пайванд август ойининг учинчи ўн кунлигида амалга оширилганда олинади. Бу эса назорат вариантыга нисбатан 7750 дона кўпроқ демакдир (2-расм).



2-расм. Пайванд қилиш муддатининг гилосни Larins нави қуртакларининг тутувчанлигига таъсири, 2021-2022 йиллар

Куртак пайванд қилиш операциясини нав-пайвандтаг ўсимликларида камбийнинг энг фаол даврида амалга ошириш кўчат чиқиш сонига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Хусусан, гилоснинг Larins навини стандарт кўчатларининг энг кўп чиқиши куртак пайвандни август ойининг учинчи ўн кунлигида (21-31/VIII) ўтказишда кузатилди. Бунда I нав кўчатлар чиқиши 54276 ва II нав кўчатлар чиқиши 8775 дона, жами 63051 га етди. Бу эса умумқабул қилинган 21-31/VII муддатда (назорат) пайванд қилинганга нисбатан 10955 дона кўпроқ кўчат олиш имконияти демакдир.

Диссертациянинг «Яхшиланган қаламча пайванд қилиш усулида қишки пайванд қилиш муддатининг компонентларни тутувчанлиги ва кўчат чиқиш миқдорига таъсири» деб номланган бўлимида кучсиз ўсувчи клон пайвандтагларда гилоснинг интродукция қилинган навлари кўчатларини қишки қаламча пайванд қилиш усулида етиштиришнинг мақбул муддатини аниқлаш юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижалари келтирилган. Бунинг учун гилоснинг маданий нави бир йиллик новдаларидан тайёрланган 2 куртакли қаламчалари пархиш усулида кўпайтирилган клон пайвандтагларга февраль ойининг биринчи санасидан март ойининг иккинчи ўн кунлигига қадар ҳар 10 кунликда пайванд қилиб борилди. Пайванд қилинган компонентлар кўчатзорга экилгунга қадар стратификация учун плёнкали махсус иншоот ичига 50 тадан боғлам қилиб илдизи нам тупроққа кўмилган ҳолда жойлаштириб қўйилди (3-расм).



3-расм. Қишки яхшиланган қаламча пайванд қилиш ва уни стратификацияга жойлаш тартиби

Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида гилоснинг Larins нави кўчатларини пархиш йўли билан кўпайтирилган Colt клон пайвандтагида яхшиланган қаламча усулида кўпайтириш учун энг яхши муддат февраль ойининг иккинчи ўн кунлиги

ҳисобланади. Ушбу муддатда пайванд қилинган қаламчаларнинг тутувчанлиги қарийб 89% га (50914 дона/га) етди. Гилосда қаламча пайванд қилиш ушбу муддатда ўтказилганда энг кўп стандарт кўчатлар олиними таъминланади. Бунда I нав кўчатларнинг чиқиши 39153 ва II нав кўчатлар чиқиши 6382 дона, жами 45535 дона/га га етди.

Қишки қаламча пайванд қилиш операциясини бирмунча эртароқ – 1-10/II муддатида бошлаш кўчатлар тутувчанлигининг пастроқ бўлиши (78,3%) ва бунинг натижасида кўчатларнинг ҳам камроқ сонда чиқишига сабаб бўлди. Ушбу муддатда қаламча пайванд қилинганда жами чиққан I ва II нав кўчатларнинг умумий сони 40396 донадан ошмади. Бу эса аввалги таъкидлаб ўтилган тажриба вариантыдан 5140 донага камроқ кўчат демакдир (3-жадвал).

Қишки қаламча пайванд қилиш агротехнологик операциясини нисбатан кечроқ, яъни февраль ойининг охириги ўн кунлиги ва март ойининг биринчи ўн кунлигида амалга ошириш уларнинг тутувчанлигини сезиларли пасайиб кетишига олиб келди. Бунда қаламча пайванд қилиш феврал ойининг охириги ўн кунлигида амалга оширилганда I (31671) ва II (5638) нав кўчатларнинг умумий сони 37309 дона бўлган бўлса, март ойининг бошида пайванд қилиш янада камроқ – 34051 дона (мос ҳолда 28832 ва 5219 дона) кўчат олиними таъминлади.

3-жадвал

Гилоснинг *Larins* навини стандарт кўчатларининг чиқиш миқдориға қишки қаламча пайванд қилиш муддатининг таъсири, 2020-2022 йиллар

| Пайванд қилиш муддати | Жами тутган қаламчалар* | | Стандарт кўчат чиқиш миқдори | | | | Ностандарт кўчатлар | |
|-------------------------|-------------------------|---------|------------------------------|---------|--------|---------|---------------------|---------|
| | | | I нав | | II нав | | % | дона/га |
| | % | дона/га | % | дона/га | % | дона/га | | |
| 1-10/II | 78,3 | 44743,0 | 78,1 | 34944,3 | 15,6 | 5451,3 | 6,3 | 343,4 |
| 11-20/II | 89,1 | 50914,4 | 76,9 | 39153,2 | 16,3 | 6382,0 | 6,8 | 434,0 |
| 21-28/II | 73,9 | 42228,7 | 75 | 31671,5 | 17,8 | 5637,5 | 7,2 | 405,9 |
| 1-10/III | 69,5 | 39714,4 | 72,6 | 28832,6 | 18,1 | 5218,7 | 9,3 | 485,3 |
| <i>ЭЖФ₀₅</i> | | 1474,6 | | 1082,1 | | 246,2 | | 18,7 |
| <i>Sx</i> | | 2,5 | | 3,2 | | 4,3 | | 4,5 |

* пайванд қилинган компонентлар 70x25 см схемада экилган (гектарига 57143 дона)

Диссертациянинг «Сурхондарё вилояти тупроқ-иклими шароитида гилос кўчатларини қишки пайванд усулида етиштиришнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили» деб номланган бўлимида ишлаб чиқилган кўчат етиштириш усулининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш юзасидан амалга оширилган таҳлилий маълумотлар келтирилган. Кўчат етиштириш жараёнини ҳисоб ва таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, гилоснинг *Larins* нави кўчатларини Colt клон пайвандтагида яхшиланган қаламча усулида етиштиришда олинган 45535 дона кўчат учун жами 216758100 сўм моддий маблағ сарфлаган ҳолда, 225827900 сўм соф фойда олиш имконини берди. Бунда ишлаб чиқариш рентабеллиги 104,2% ни ташкил этди, яъни сарфланган ҳар бир моддий маблағ бирлиги ҳисобига 104,2 birlik соф фойда олиш имконияти юзага келди.

ХУЛОСАЛАР

1. Сурхондарё вилояти шароитида истиқболли гилос навларининг пишиши учун 558-742 °С фаол ҳарорат йиғиндиси талаб этилади. Бундай ҳарорат апрель ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунлигида тўпланади. Бу эса гилос навларининг вилоят шароитида энг эрта – апрель ойининг иккинчи ярмидан бошлаб пиша бошлашини таъминлайди.

2. Меваларнинг пишиши учун талаб этиладиган фаол ҳарорат йиғиндисининг тўпланиш муддатига кўра навлар куйидигича шартли гуруҳларга ажратилди: эртапишар – Bigarren Hatif Burlat, Belge, Sammit; ўртапишар навлар – Lapins, Merchand; кечпишар – Баҳор (назорат).

3. Интродукция қилинган гилос навлари орасида майдон бирлигидаги ҳосилдорлик Sammit навида энг юқори бўлди. Ушбу навда бир дарахтдан олинган ўртача ҳосил 15,0 кг, майдон бирлигидаги ҳосилдорлик 12,5 тоннага етади, бу эса назорат – Баҳор навида нисбатан нисбатан мос ҳолда 7,0 кг ва 6,0 тоннага юқори демакдир.

4. Бир меванинг ўртача оғирлиги Sammit навида энг юқори кўрсаткичда, яъни ўртача калибри 30-32 ва оғирлиги 11,1 г атрофида бўлди. Бу эса назорат – Баҳор нави меваларига нисбатан 2,9 г га оғирроқ демакдир. Қолган навларнинг калибри 24-26 дан 28-30 гача, бир мевасининг ўртача оғирлиги эса 8,7 дан 9,8 г гача фарқланди.

5. Вилоят шароитида оддий нордон олча (назорат), Colt, ВСЛ 2 ва Махма Delbard® 14 Brokforest пайвандтаглари қурғоқчиликка ўртача чидамли бўлиб, ушбу пайвандтагларда ўстирилган Sammit нави барглариининг сув танқислиги 21,75-24,28% ни ташкил этди. Негаки, у умумқабул қилинган сув танқислиги (>25%) кўрсаткичидан ошмайди. Мустасно Gisella-5 пайвандтаги бўлиб, унга пайванд қилинган Sammit нави дарахтларининг сув танқислиги қарийб 28% дан ошиб кетади.

6. Ўрганилган гилос пайвандтаглариининг барчаси иссиқликка ўртача чидамли ҳисобланади. Негаки, уларнинг барчасида сунъий иссиқлик «шоки» таъсиридан сўнг йўқотилган сувни тиклаш қобиляти олимлар томонидан тавсифланган чегара – 60,1 % дан юқори бўлди. Мустасно Gisella-5 пайвандтаги бўлиб, унга пайванд қилинган дарахтларнинг баргларида тикланган сув миқдори 54,3 % дан ошмади.

7. Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида гилосни куртак пайванд қилиш усулида етиштиришда кўчатларнинг энг кўп чиқиши куртак пайвандни август ойининг учинчи ўн кунлигида (21-31/VIII) ўтказишда кузатилди. Бунда I нав кўчатлар чиқиши 54276 ва II нав кўчатлар чиқиши 8775 дона, жами 63051 га етади. Бу эса умумқабул қилинган 21-31/VI муддатда (назорат) пайванд қилинганга нисбатан 10955 дона кўпроқ кўчат олиш имконияти демакдир.

8. Гилос кўчатларини клон пайвандтагларда қишки қаламча пайванд усулида кўпайтириш учун энг яхши муддат февраль ойининг иккинчи ўн кунлиги ҳисобланади. Бунда энг кўп стандарт кўчатлар, яъни 39153 дона I нав

ва 6382 дона II нав, жами 45535 дона/га кўчат олиниси таъминланади.

9. Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида гилоснинг Lapins нави кўчатларини Colt клон пайвандтагида қишки қаламча пайванд усулида етиштириш жами олинган 45535 дона кўчат учун 216758100 сўм моддий маблағ сарфлаган ҳолда, 225827900 сўм соф фойда ва 104,2% рентабелликка эришиш имконини беради.

10. Сурхондарё вилояти тупроқ-иқлими шароитида гилоснинг истиқболли навлари кўчатини етиштириш ва самарали интенсив боғлар ташкил қилиш учун кўчатчилик ва боғдорчилик хўжаликларига:

юқори ҳосилдор ва эртапишар Bigarren Hatif Burlat ва Sammit навларидан;

пайвандтаг сифатида эса қурғоқчилик ва иссиққа чидамли, вегетатив усулда осон кўпая оладиган Colt ва Maxma Delbard® 14 Brokforest пайвандтагларидан фойдаланиш;

кўчат етиштиришда куртак пайванд қилишни август ойи охирида, қишки қаламча пайванд қилишни февраль ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ГЕНЕТИЧЕСКИХ
РЕСУРСОВ РАСТЕНИЙ**

ТУРАКУЛОВ УМИД ХАЙИТОВИЧ

**ПОДБОР СОРТОВ, ПОДВОЕВ ПРИМЕНИТЕЛЬНО К ПОЧВЕННО-
КЛИМАТИЧЕСКИМ УСЛОВИЯМ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
И РАЗРАБОТКА ЭФФЕКТИВНЫХ СПОСОБОВ ВЫРАЩИВАНИЯ
САЖЕНЦЕВ ЧЕРЕШНИ**

06.01.07 – Плодоводство и виноградарство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ НАУК**

ТАШКЕНТ – 2024

Тема диссертации доктори философии (PhD) сельскохозяйственных наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан по номеру В2024.1.PhD/Qx1321

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте генетики и ресурсов растений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (разном)) размещён на веб-странице Научного совета (www.ibt.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (uz.ziyo.net).

| | |
|------------------------|--|
| Научный руководитель: | Айбекжон Зайнабиддин Абимовидович доктор философии сельскохозяйственных наук, докант |
| Официальные оппоненты: | Халмирова Дилмурод Камилевна доктор сельскохозяйственных наук, доцент Халмирова Лейла Бахрамовна доктор философии сельскохозяйственных наук |
| Ведущая организация: | Научно-исследовательский институт оленеводства, животноводства и птицеводства имени Академика Мамлада Мирзалиева |


Защита диссертации состоится 18 ноября 2024 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета D8e.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-00; e-mail: tiar-info@tda.uz, Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 551940). (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом-2, Ташкентской государственной аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра, Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации размещён 6 ноября 2024 года.
(реестр протокола заседания №33 от 7 октября 2024 года).




Ш.Н.Асатов
Председатель Научного совета
по приуждению учёных
степеней, д.с.х.н., профессор


М.З.Халмуратов
Заместитель секретаря Научного
совета по приуждению учёных
степеней, ф.с.х.в., доцент


С.А.Юсупов
Член Научного совета по
приуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Черешня ценится как ценное плодое растение во многих странах мира, ее плоды содержат быстроусвояемые сахара и биологически активные вещества, которые обеспечивают диетическую ценность этого продукта: в ней содержится 8,08-19,32% общего сахара, 0,58-2,22% пектина, 0,39-0,76 % клетчатки, 0,72-32,22 мг/% витамина С, 0,34-1,70 % кислотности, из микроэлементов определены 1,2-1,8 мг % Fe, 0,15-0,20 мг % Mg, 80-120 мкг/% Cu, 2,6, а также 3,70 мкг/% Co и 0,13-0,55 % K. Сегодня валовой объем производства составляет более 3 млн. тонн, основная доля из которых приходится на такие страны как Турция (627,13 тыс. тонн – 25,7%), США (398,14 тыс. тонн, 16,3%), Испания (160,15 тыс. тонн, 7,7%), Иран (140,08 тыс. тонн, 5,7%) и Чили (126,64 тыс. тонн, 5,2%)¹. Благодаря высокой товарности плодов черешни достигается большая экономическая эффективность при выращивании ее экспортных сортов.

В ведущих странах по выращиванию черешни как Турция, США, Испания, Иран, Чили и др. проводятся научные исследования, связанные с выведением новых ультраскороспелых, высокоурожайных, сохраняющих свежесть плодов в процессах транспортировки и реализации сортов, усовершенствованием важных технологических элементов выращивания продукции и саженцев позволяющие предоставлять первые продукты в мировом рынке черешни. В Турции получено более 50 ее сортов, среди которых всемирно известный сорт «0900 Зираат» даже получил название «Турецкая черешня». В США получен подвой «Махта Delbart», позволяющий интенсивно выращивать черешню, разработаны методы формирования кроны таких деревьев способом «КГВ – Ким Грин Буш» в Австралии, «SB – Испанский куст» в Испании. Южные регионы нашей страны имеют условия, позволяющие выпускать черешню очень рано, и разработка важных элементов технологии создания интенсивных черешневых садов в этом регионе является одним из важных вопросов экспортоориентированного садоводства республики.

В последние годы большое внимание уделяется стремительному развитию экспортоориентированного плодоводства в Узбекистане. В частности, в Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы «...создание благоприятного агробизнес-климата и цепочки добавленной стоимости, предусматривающих широкое внедрение рыночных принципов при закупке и реализации сельскохозяйственной продукции, развитие инфраструктуры контроля качества, стимулирование экспорта, производство конкурентоспособных на целевых международных рынках агропродовольственных товаров с высокой добавленной стоимостью...»² определена в качестве одной из приоритетных задач. В этом отношении

¹ <https://epauzb.uz/post/analiticheskii-obzor-mirovoy-torgovli-na-rynke-chereshni?lang=ru>

² Указ Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года № УП-5853 «Об утверждении стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020 – 2030 годы».

черешня является важной косточковой плодовой культурой, которая отличается тем, что созревает гораздо раньше, чем любые другие косточковых породы. Сегодня черешневые сады в республике составляют 21,5 тыс. га. Южные регионы, в частности Сурхандарьинская область, имеют большой потенциал для производства сверххранной продукции черешни, здесь необходимо проведение специальных научных исследований в направлениях по подбору подходящих сорто-подвойных комбинаций для создания интенсивных черешневых садов в этом регионе, разработке эффективных технологических элементов выращивания саженцев и продукции.

